

# ТАМАДДУН NURI

Har qanday  
taraqiyotning  
asusi fandir

БАТАН  
Кадрин билмок утун Ватаннинг,  
Ўзга юрга боришиш шартми?  
Мехр – товонимдан бошгача.  
Юрсам обётимдан ўт чикар,  
Тафтим кўчар тупрок, тошгача.



Нозиккина елкаладаримда  
Кўтарамман Ватан юқини,  
Соғинаман юриб бағрида  
Ва севаман гулдай гўкчиш.

Илим, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal (24) | ISSN 2181-8258

2020-yil, I-sav

София АХМЕДОВА,  
Беруний таржимиёбаси 24-йилчалик учреждени,  
“Ганибони тариқ “Журналистикада очигдан  
“Беруний ислоҳододигари” ишодай тухараси избораси

2020 йил ~ Йил,  
мағрибни ва ғоломни  
иқтисодийтаки физкористони инфомириш нобати





## TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,  
маданий-маърифий,  
адабий-бадиий журнал  
Икки ойда бир марта чиқади

### МУАССИС:

Қорақалпогистон Республикаси  
Беруний тумани ҳокимлиги

### ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпогистон бўлими  
Хоразм Маъмун академияси

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирохиддин САЙЙИД  
Муҳаммад АЛИ  
Кенгесбой КАРИМОВ  
Иқбол МИРЗО  
Гулистон МАТЕҚУБОВА  
Қурбон ШОНИЁЗОВ  
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ  
Үрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Муротбой ЖУМАНОВ

### БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

### БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САИДОВ  
Нагмет АИМБЕТОВ  
Ғайратдин ҲУҶАНИЁЗОВ  
Қаҳрамон ҚУРБОНБОЕВ  
Шорустам ШОМУСАРОВ  
Каримбоя КУРОМБОЕВ  
Зарифбой ДЎСИМОВ  
Олмос УЛВИЙ  
Ваҳоб РАҲМОНОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Алима БЕРДИМУРОДОВА  
Марат НИЁЗИМБЕТОВ  
Неъмат ПОЛВОНОВ  
Яхшибек АБДУЛЛАЕВА  
Машарип АБДУЛЛАЕВ  
Ўқтам МАВЛОНОВ  
Муҳаммадшариф ҲЎҶАНИЁЗОВ  
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ  
Норбек ТАЙЛАКОВ  
Сафо МАТЖОНОВ  
Усербой АЛЕУВ  
Мэлс ҚОБУЛОВ  
Дониёр ҲОЖИЕВ  
Бозорбоя ОРАЗАЛИЕВ

**Рассом:** Алибек АБДУРАҲМОНОВ  
**Саҳифаловчи-безовчи:**

Ғиёсiddин ҲНАРОВ  
Техник муҳаррир:  
Улуғбек САИДОВ

**Ушбу сон** "Тамаддун нури" журнали  
таҳририятининг компьютерида  
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",  
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00  
"Филология" ихтисослиги бўйича  
рўйхатига киритилган.

# МУНДАРИЖА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛНОМАСИДАН

Атабек САЛАРБАЕВ. Янги Ўзбекистон истиқболи акс этган дастур. .... 2

## ТАРАҚКИЁТ ҚАФОЛАТЛАРИ

Фурқат ПРИМОВ. Бюджет сиёсати исплоҳотлари халқ манфаатлари хизматида. .... 3

## ҲУҶУҚИЙ ТАРГИБОТ

Айбек КАМАЛОВ. Ахолининг ҳуҷуқий саводхонлигини оширишда давлат органларининг ўрни. .... 6

Рустам КУРБАНБАЕВ. Мурожаатларни кўриб чиқиш қонуний кафолатланган. .... 10

## МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Мунаввара ЮСУПОВА. Китоб – доимий ҳамроҳим. .... 8

## БЕРУНИЙШУНОСЛИК

Ҳамидулла ҲАСАНОВ. Берунийнинг дунё ҳаритаси. .... 13

Асрор НИЗОМОВ. Беруний денгиз трансгрессияси ва регрессияси ҳақида. .... 16

## ТАРИХ

Орзиев МАҲМУД. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўтасидаги муносабатлар тарихидан. .... 18

Машхура РУЗИЕВА. Ёшпарнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ижтимоий ғафолик. .... 22

Умиджон БЕКИММЕТОВ. Хоразм кишлоқлари советларнинг колективлаштириш сиёсати арафасида. .... 30

Ойбек РАШИДОВ. Совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати. .... 30

Манзура ЮСУПОВА. Наврӯз байрами таомлари: тарихийлик ва замонавийлик. .... 33

Нилуфар КОШАНОВА. Ҳалимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана ва маросимлар. .... 35

Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ. Ўзбекистон илм-фани ва таълими соҳасида ёш кадрлар тайёллашнинг тарихий босқичлари. .... 44

Адҳам МАВЛОНОВ. Сув – ислом динида асосий покловчи инсур сифатида. .... 59

## ОБЩЕСТВО

Акбар ВАЛИЕВ. Социальная защита населения в условиях обретения

Ўзбекистаном государственной независимости. .... 41

## ФАЛСАФА

Роза САДИКОВА. Конфуций ахлоқий таълимоти. .... 49

Тимур МАДАЛИМОВ. Мирзо Ғолиб фалсафаси қадимига хинд фалсафий мактабларининг таъсири. .... 52

Раимберди ҲАЙТМЕТОВ. Мавлоно Румийнинг "Маснавий маънавий" асарида амалий ахлоқ муаммоси. .... 76

## ЭКОЛОГИЯ

Шоҳруҳ МАДАТБОЕВ. Янги даврни бошлаган тарихий Мурожаатнома. .... 55

Абдували БУРХАНОВ. Саъдулла АМИНОВ.

Некоторые вопросы экологии, роль и место экологии в обществе. .... 65

## ФИЛОЛОГИЯ

Улбусин АМЕТОВА. Қубровийлик тарикатида ранглар талқини. .... 56

## ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳе ҒУЛОМОВ. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. .... 62

## НАСР

Бегойи. Қолган кўнгил. Ҳикоя. .... 60

## ЖАМИЯТ

Муяссар ВАХИДОВА. Янги чўққилар сари. .... 70

Сайдеафо БОБОЕВ. Ривоқланиришни дастлабки бўгиндан бошлаймиз. .... 71

## НАЗМ

Назира БЕКИМБЕТОВА. Янги давринг муборак, Ўзбекистоним!. .... 72

## ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Malika ABDURAXMANOVA. "VATAN POSBONLARI" mavzusida bir soatlik tarbiyaviy soat ishlansasi. .... 58

**Манзилимиз:** Қорақалпогистон Республикаси, Беруний тумани  
"Халқлар дўстлиги" кўчаси, 11-йи. e-mail: qurbanboyeva@inbox.ru

Тел.: (+99899) 504-84-84

Босишига 14.02.2020 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 %. Нашриёт хисоб табори 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот

агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

Таҳририятга кеплан кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифлар қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧК босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 6.


Адади 2300 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-йи.

ISSN 2181-8258

# МИРЗО ГОЛИБ ФАЛСАФАСИГА ҚАДИМГИ ҲИНД ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ



Тимур  
**МАДАЛИМОВ,**  
Тошкент вилояти  
Чирчиқ давлат  
педагогика  
институти  
ўқитувчisi



**Аннотация:** Мақолада асли Туркестонлик бўлган Мирзо Галиб фалсафий қарашларининг қадимги ҳинд фалсафий мактаблари билан алоқадорлиги кўрсатиб берилган.

**Калим сўзлар:** тасаввух, теология, борлиқ ақл, мантиқ, ғоя, фалсафий мактаблар.

**Аннотация:** В данной статье раскрывается суть взаимосвязи Туркестанского учёного Мирза Галиба и древней восточной школы.

**Ключевые слова:** суфизм, теология, сущность, ум, логика, философские школы.

**Annotation:** In this article shown Mirza Ghalib who was presented Turkestan that his philosophical views are related Indian philosophical schools.

**Key words:** sufism, theology, nature, intelligence, logic, idea, philosophical school.

**M**аълумки, бирон-бир ҳалқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа ҳалқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ушбу ҳалқ тарихига чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф ҳалқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини юксалтиришга хизмат қиласди.

Ҳиндистон ўзининг қадимий фалсафий тафаккури, ақли ва маърифатга интилиши билан машҳур. Дунё ҳамжамиятида ифода этилган қарама-қарши қарашларнинг чексиз бағрикенглиги, тирик мавжудотларга нисбатан бағрикенглик назарияси ҳинд руҳининг ажралмас хусусиятидир. Шу билан бирга, собиқ Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистондаги каста тизими патриархал қолдиқларга эга бўлган ҳинд жамиятида глобал ҳодисага айланди. Қадимги ва ўрта асрлар Ҳиндистонининг фан (жумладан фалсафа, математика, тиббиёт, астрономия ва тилшунослик), айниқса адабиёт ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари кўшни ва узоқ ҳалқларга ҳам хизмат қиласди. Ҳиндуизм ва Буддизм, шунингдек Ҳиндистон ҳудудида ўрнатилган турли диний ва фалсафий тизимлар нафақат Шарқ, балки дунёнинг кўплаб ҳалқларига таъсир кўрсатди.

Нафақат ўзининг бой маданияти, балки чуқур фалсафаси билан дунёга машҳур бўлган Ҳиндистон қадимийлиги жиҳатидан Юнонистон фалсафаси билан тенглаша олади. Бизга маълумки, қадимги Юнонистонда бир неча фалсафий мактаблар мавжуд эди. Улар ўзларининг номлари, ижтимоий ҳаракатлари ҳамда йўналишлари билан бир-бирларидан фарқ қилиб турарди. Бу ўринда Ҳиндистондаги фалсафий мактаблар ҳам ҳеч жабҳада эллада мактабларидан қолишмас эди. Бу фалсафий мактабларнинг таъсирни кейинги давр файласуфлари учун ҳам дастуриламал бўлди.

Ҳиндистоннинг янги давр мусулмон фалсафасида ўзига хос ўринга эга бўлган шоир ва илоҳиётчи Мирзо Голибдир. Унинг асл насл наасиби Ўрта Осиёдан бўлиб, ота-боболари асли Самарқандлик эди. Кейинчалик унинг отаси Самарқандни тарқ этган ва Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда ҳарбий қўмондон бўлган. Файласуф Мирза Абдуллахон Фо-

либ 1797 йил 27 декабрда Дөхлидан унча узоқ бўлмаган Аграда дунёга келган. Голибнинг отаси урушларнинг бирида вафот этгандан сўнг, у онасининг отаси — бобоси тарбиясига ўтади. Голиб ўн уч ёшга етганида Лаҳор князлигининг обрўли хонадонларидан бирига куёв бўлади. Янги қариндошлилк Голибни Бобурийлар империясига яқинлаширади. Лекин бу никоҳда ёшлар баҳтли ҳаёт кечиришмади. Бирин-кетин фарзандлари вафот эта бошлади. Голиб ўзининг Ориф исмли ўғлини жуда яхши кўрган, унга марсия ҳам бағишлаган. Голиб бобосидан қолган нафақа пулига тирикчилик қиласарди. Тақдир ҳукми билан кейинчалик бу нафақадан ҳам мосуво бўлади. У бўйнигача қарзга кириб кетади. Лекин инглиз ҳукумати марҳамати ва қонунчилиги асосида Голиб яна бобосидан қолган меросга эгалик қила бошлади. Кўлга киритилган гонорар эвазига у Калькутта, Дехли шаҳарларига боради. Голибнинг қилган саёҳати даври шундай давр эдики, айни шу вақтга келиб инглиз ҳукумати Ҳинд ерида янги саноат инқилобини амалга ошираётган эди. Голиб туронлик файласуфлардан биринчилардан бўлиб бундай саноат тўнтишишининг натижалари – паровоз, гугурт, буғ машиналарини ўз кўзи билан кўрганлардан эди. Гарчи инглиз ҳукумати мамлакатни эгаллаётган бўлса-да, жамиятда бўлаётган исплоҳотлар ва янгиликлардан у мамнун эди. Ҳаттоқи, Голиб инглизларнинг бундай мўъжизаларини биринчилардан бўлиб матбуотда ёритган маърифатпарварга ҳам айланди. Ҳиндларнинг муқаддас шахри Банорастга келганида унинг кўнгли беҳад озорланади – у бу ерда жуда кўп ғарибу ноҷорларни кўради. Файласуф ўзининг эллик йиллик ижоди даврида она ватanni, ҳазрати инсонни ҳамда байнамилалликни тараннум этди. Голиб ижодида қарама-қаршилик мавжуд бўлса-да, унинг ғоялари реалистик ҳамда оптимистик эди. Голибнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари шаклан ислом руҳида бўлган. Бунда албатта Ўрта Осиёда шаклланган тасаввуф фалсафасининг ўрни бекиёсdir. Шундай бўлса-да, унинг қарашлари тамомила мусулмон фалсафаси билан йўғрилган дейиш, хато фикр ҳисобланади. Яъни Голиб ўзи истиқомат қилган мамлакат фалсафасини тўлиқ ўрганмай туриб, ўша жамият ҳақида ўз нуқтаи назарини билдира олмаган бўларди. Мухтасар қилиб айтганда, Голибнинг борлик, жамият, билиш назарияси ҳақидағи фикрларида қадимги ҳинд фалсафий мактабларнинг таъсири сезилиб туради. Буни биз куйидаги мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қиламиз. Голиб ўзининг фалсафий қарашларида факат номинал равишда олам мавжуд, нарсаларнинг реаллиги факат онгимиздадир, дейди. Гарчанд Голиб табиатда илоҳий моҳиятнинг ҳақиқиyyатини кўрган бўлса-да, нарига дунё ҳақидағи фикрни пуч деб билади. Бундай фикр қадимги ҳинд фалсафасида илгари сурилган ғоялардан бири бўлиб, бу таълимот дастлаб Ҳин-

дистон тараққиёти тарихида моддиюнча тамойилларга асосланган “локаят” таълимотида учрайди. Унда ёзилишича, инсонда унинг ўлимидан кейин ҳеч нарса қолмайдиган бўлганлигидан, локаятлар воқеъ ҳаётдан фойдаланиб қолиш кераклигини таъкидлаган. Бу олам моддийлиқдан иборат эканлиги ва атомларнинг мутлақлиги ҳақидағи фикрларни Вайшешика – сутра ва улуғ донишманд Канаданинг ёзишмаларида учратиш мумкин. Манбанинг тўртинчи китобида коинотнинг атомлардан ташкил топганлиги тасвирланган.

Голиб борлиқни, дунёнинг моҳиятини таърифлар экан, уни доим ҳаракатда деб билади. Олам доим ўзгаришда, қарама-қарши ҳодисаларнинг кураши ва бирлигидан иборат, дейди. Бу бирлик ва қарама-қаршиликни Голиб ҳар ерда кўради, табиатда, жамиятда, инсоннинг шахсий дунёсида кўради. Бу фикрни у файласуф Мирзо Бедил таълимотидан олган дейиш мумкин, лекин Миманса мактаби таълимотида ҳам айрим моддаларнинг доимо ҳаракатда бўлишини учратиш мумкин.

Голибнинг бизни ўраб турган дунёга, инсон табиатига ва ҳаётига бўлган қарашлари унинг эстетик қарашлари марказида ётади. Бундай эстетик қарашлар Санкҳя фалсафасининг “практрити” тушунчасига нисбатан боғлиқлик мавжуд. Санкҳя таълимотига кўра, дунёнинг биринчи сабаби – практрити (хинчча “табиат”)дир. У моддий бўлиб, борлиқнинг жавҳарий асосидир. Санкҳя практрити билан бир қаторда дунёнинг моддий асосидан мустақил бўлган пуруша (инсон)нинг мавжудлигини тан олади.

Мирзо Голиб ўзининг билиш фалсафасида асосан ислом илмларига таянган бўлса-да, лекин унинг гносеологиясида Няя фалсафасининг “нафаси” уфуриб туради. Няя фалсафасида ҳам инсон билимга эга бўлиш учун билимнинг тўрт манбаидан фойдаланади. Булар: ҳис-туйғу, қабул қилиш (пратякша), мантиқий хулоса (анумана), солишириш ёки қиёслаш (упамана), обрўли инсоннинг гувоҳлиги бўйича билиш (шабда). Мирзо Голибнинг ахлоқий қарашларида жуфт категориялар ўз аҳамиятига эга. Яъни, яхшилик ва ёмонлик, ззгулик ҳамда ёвузлик, сабаб ва оқибат категориялари ҳам таъкидланиб ўтилган. Голиб фикрича, дунёдаги барча ҳодисалар доим сабаб ва оқибат категориялари орқали ифодаланиб келади. Улар бир-бирини тўлдириб келади. Сабаб ва оқибат орқали инсон хулоса чиқариши осон кечади. Няя фалсафасида ҳам сабаб ва оқибат ҳақида куйидаги фикрни келтириб ўтиш мумкин: “Няя хулосани уч турга бўлади: 1) сабабдан оқибатга (пурват), масалан, осмонда тўпланаётган булатлар туфайли ёмғир ёғишини олдиндан билиш; 2) оқибатдан сабабга (шешават), масалан, дарёда кўтарилган сувнинг сатҳидан ёмғир ёғиб ўтганини билиш; 3) бевосита қабул қилинмайдиган ва биринчиси билан ошкора сабаб-оқибат муносабати билан

боғланмаган бир ҳодисанинг икинчиси билан ўзгармас равишда ҳамроҳлик алоқаси (саманятодришта), масалан, самовий сайдераларниң уларнинг ўзгариши бўйича ҳаракати".

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Голиб фалсафаси ўзининг ранг-баранглиги ҳамда бир ёқлама эмаслиги билан ажралиб туради. Агар биз тасаввуф фалсафасига назар соладиган бўлсак, унда асосан ислом дини таъсирини кўриш мумкин. Лекин Голиб жамиятда дин хукмронлик қилишидан қатъи назар, диний фанатизм ва диний дормадан қочишга ҳаракат қилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедова М., Йўлдошев С., Шоматов О. Ҳинд фалсафаси.-Тошкент.: ТошДШИ, 2006. Б-146.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – өнгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008. – Б.234.
3. Радҳакришнан С. Philosophy of India. – D.: Nyu-Delhi-1956 P.370.
4. Қодиров М., Пўлатова Д., Аҳмедова, М., Абдухалимов А, Шарқ фалсафаси – Тошкент 2013. 288 б.

## УМР ҲИКМАТИ САОДАТИ

# БОТИНГА САЁҲАТ

(Устоз ва шогирднинг савол-жавоблари)

**Шогирд сўради:** – Инсоннинг ўзгалардан орзиқиб кутадиган нарсаси нима?

**Устоз деди:** – Хизматларининг қадрига етиб, уни керакли жойда эътироф этиш...

**Сўради:** – Манзил нима?.

**Деди:** – Мақсад...

**Сўради:** – У нени англатур?

**Деди:** – Агар мақсад бўлмаса, манзилга интилишнинг фойдаси йўқдир...

**Сўради:** – Ота-она учун ҳаётда энг муҳим нарса нима?

**Деди:** – Зурриётига тўғри тарбия берганининг ҳаётда исботини топиши.

**Сўради:** – Тўғри тарбия қандай тарбия?

**Деди:** – Ҳақ ва ноҳақни-танитиб, ҳаром ва ҳалолни англатиб, ҳаётда ҳар нарсанинг ўртасини танлай билишни ва шунга амал қилган ҳолда яшашни ўргатиш.

**Сўради:** – Ақл нима?

**Деди:** – Яратган томонидан фақат инсонга ато этилган ва уни бошқа маҳлуқотлардан фарқловчи нодир неъмат.

**Сўради:** – Қалб нима?

**Деди:** – Ўзидан ҳам ақл (тадбир)ни ҳам кўнгил (майл) ихтиёрини мужассамластирган, тафаккурнинг янада юксаклашган, тараққий этган кўриниши.

**Сўради:** – Қандай ҳолат инсон учун энг ёқимили ва фойдали ҳисобланади?

**Деди:** – Ақл шамшири қалб амрига "кулоқ тутган", қалб гавҳари эса, ақл адолатига бўйинсундирилган дақиқа ва ўша пайтда амалга оширилган ҳаракат...

**Сўради:** – Ҳақиқат надур?

**Деди:** – Ҳақиқат – қалб кўзидир. Унда ўзмохиятингни кўрасан.

**Обиддин МАҲМУДОВ**